


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 5 май, № 88 (5255) Пайшанба


*Пойтахтимизда 4 май куни Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Ҳиндистон ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.*

## ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Тадбирда икки мамлакатнинг иқтисодиёт, савдо, сармоя, саноат, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, фармацевтика, сайёҳлик, озиқ-овқат саноати, қишлоқ ва сув хўжалиги, тўқимачилик каби соҳаларда фаолият кўрсатаётган қатор вазирлик ва идоралари, фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари, комиссия ҳамраиси Дилмурод Турдиев мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари барча жабҳаларда, жумладан, савдо-иқтисодий соҳада ҳам изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг ўзаро алоқалари мустаҳкам дўстлик ва икки томонлама манфаатдорлик тамойиллари асосида фаол ривожланиб бормоқда. Бунда давлатларимиз раҳбарларининг мунтазамлик касб этган олий даражадаги учрашувлари муҳим ўрин тутади. 2005 йил апрель ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлат ташрифи билан Ҳиндистон Республикасида бўлди. 2006 йилнинг апрелида Ҳиндистон Бош вазири Манмоҳан Сингх Ўзбекистонга ташриф буюрди. Бу ташрифлар чоғида эришилган келишувлар ўзаро муносабатларимизни янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг қамрови кенг. Ҳиндистон компанияларида юртимиз иқтисодиётига, айниқса, фармацевтика, тўқимачилик, автомобилсозлик ва сайёҳлик соҳаларига сармоя киритишга қизиқиш кучли.

(Давоми 2-бетда).

## ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

*Президентимиз Ислом Каримов давлатимизни ривожлантиришнинг асосий устувор йўналиши сифатида мамлакатни модернизация қилиш ҳамда кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш борасидаги вазифалар ҳақида гапириб, “парламентимиз ва маҳаллий вакиллик органлари — Кенгашлар олдида турган ғоят муҳим вазифа — қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётганлиги устидан қатъий парламент назоратини, депутатлик назоратини ўрнатишдан иборатдир”, деб алоҳида таъкидлаган эди.*

Парламент назоратини кучайтириш қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг давлатни бошқаришдаги ролини оширишда таъсирчан чора бўлиб, у ижро этувчи органлар фаолиятининг янада очиқ-ойдинлигига эришиш ҳамда қонунларни ижро этишда давлат бошқаруви органлари фаолиятини мувофиқлаштириш, жамоат назоратини таъминлашга ва қарорлар қабул қилишда фуқаролар иштирокини кенгайтириш имконини беради.

**Жараён**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси томонидан жорий йилнинг 13 — 29 апрель кунлари Урганч, Тошкент, Самарқанд ва Андижон шаҳарларида ўтказилган минтақавий семинар-тренинглар ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти устидан парламент назорати институтини такомиллаштириш масалаларига бағишланди.

Интерфаол усулда ўтказилган машғулотларда Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг мазмун-моҳияти, қонунлар ижро этилишини назорат қилиш самарадорлигини оширишда сенаторлар, маҳаллий вакиллик органлари депутатларининг вазифалари ва роли ҳақидаги маърузалар тингланди. Парламент эшитувларини ўтказиш, парламент сўровини юбориш каби назоратнинг таъсирчан воситаларига алоҳида эътибор берилди.

Семинар-тренингларда парламент назоратини амалга оширишда ва самарадорлигини таъминлашда Сенат қўмиталарининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, уларнинг доимий комиссиялари, жамоат бирлашмалари ва оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлигининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш бўйича таклиф ҳамда тавсиялар билдирилди.

Семинар-тренингларда сенаторлар, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг депутатлари ҳамда улар доимий комиссияларининг раислари, мутахассислар, БМТ Тараққиёт дастури ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.**

# ИЗЗАТУ ИКРОМ ШУКРОНАСИ

**9 май — Хотира ва қадрлаш куни**

***Мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан бир неча йиллардан буён анъанавий тарзда нишонланиб келинаётган Хотира ва қадрлаш куни кекса авлод вакилларига меҳр-оқибат кўрсатиш ва тинч-фаровон ҳаётимизга шукроналик байрами сифатида эътиборлидир. Наманганлик Низом ота Сатторов ҳам ҳар тонгда Яратгандан Ватанимиз тинчлигини сўраб, дуога қўл очади. Шундай табаррук заминда яшаётганидан, эъзоз ва қадр топганидан беҳад севинади.***

— Давлатимиз раҳбарининг биздек кекса авлод вакилларига кўрсатаётган меҳрибонлиги кучимизга куч қўшиб, қалбимизга қувонч олиб кирмоқда, — дейди отахон. — Шундай фаровон ҳаётда фарзандларинг, юз-кўзида самимият балқиб турган одамлар, маҳалла-кўй, дўсту биродарлар даврасида яшашнинг гашти бўлакча.

Куни кеча Президентимизнинг “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони асосида юксак эҳтиромлардан баҳраманд бўлдим. Очиғи, бу ғамхўрликдан беҳад қувондим. Биз кексаларни қадрлаб, эъзозлаб, барча шарт-шароитни яратиб бераётган Юртбошимизга минг раҳмат!

Дарҳақиқат, замонамиз ана шундай меҳр туфайли нурли, гўзал ва бетакрор. Уни кўзларимизга тўтиё қилмоқ ҳар биримизнинг юрак амримиздир.



Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат.

**Анжуман**

***Пойтахтимизда 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган тадбир “Сиз доимо эъзоздасиз” деб номланди.***

## «СИЗ ДОИМО ЭЪЗОЗДАСИЗ»

Унга Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари, турли соҳаларда узоқ йиллар самарали меҳнат қилган онахонлар, жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар таклиф этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Абдураҳимова Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёши улуғ инсонларни эъзозлаш, ижтимоий ҳимоялаш, саломатлигини мустаҳкамлаш ва муносиб ҳаёт кечириши учун зарур шарт-шароит яратиш борасида доимий эътибор ҳамда ғамхўрлик кўрсатилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 22 апрелда қабул қилинган “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтирмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА

*Мамлакатимизда иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар оммавий ва хусусий мулкчиликнинг ривожланиши учун баб-баравар шароит яратиш, жумладан, тадбиркорликнинг барча соҳаларида, чунончи, хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам эркин фаолият юритиш билан ифодаланади. Зеро, айнан хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик субъектларининг иштироки изчил ошиб бораётгани унинг миллий ва жаҳон иқтисодиётининг муҳим соҳаларидан бирига айланаётганидан далолатдир.*

**КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар**

Дарҳақиқат, юртимизда тадбиркорлик фаолияти субъектларига товарлар ишлаб чиқариш, ишларни бажариш билан бир қаторда, хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам кенг эркинлик ва кафолатлар яратилганлиги иқтисодиётни ривожлантиришда уларнинг ўрни ва ролини янада ошириш имконини бермоқда.

Шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш учун ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш борасида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, хизмат кўрсатишнинг у ёки бу жиҳатларини тартибга солишга қаратилган қонунлар, хусусан, илк бор “Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш”га оид алоҳида боб киритилган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари, стандартлаштириш, маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш, банкротлик, суғурта, аудиторлик, баҳолаш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси, техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги қарори билан “Хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини 2007 — 2010 йилларда ривожлантириш дастури”нинг мавжуд эҳтиёжни ҳисобга олиб аниқлаштирилган ҳамда тўлдирилган асосий йўналишлари ва тадбирлари маъқулланиб, ҳаётга татбиқ этилди. Қисқача айтганда, хизмат кўрсатиш соҳасининг устувор қонунчилик асослари уни ҳуқуқий тартибга солишнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Хусусан, мамлакатимизда амалга оширилаётган 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган устувор вазифалардан бири — хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳаёт даражасини оширишнинг энг муҳим омили сифатида янада жадал ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар назарда тутилган.

Мустақиллик йилларида ялпи ички маҳсулот таркибида хизмат кўрсатиш соҳаларининг улуши 2007 йилда 18 фоиздан 42 фоизга ёки 2 баробардан зиёд ошган бўлса, 2010 йилда бу борада 13,4 фоиз ўсишга эришилди. Сўнгги ўн йилда эса аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажми, киши бошига ҳисоблаганда, қарийб 20 баробар ортди. Бунда анъанавий маиший хизматлар билан бир қаторда, мобиль алоқа, интернет, видеотелефон тизими, рақамли телевидение, замонавий банк хизматлари, лизинг, суғурта, аудит, инжиниринг ва бошқа қатор замонавий хизмат турларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани асосий омил бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда).

***5 май — “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони, “Мустақиллик”, “Дўстлик” орденлари ҳамда “Жасорат” ва “Шуҳрат” медаллари таъсис этилган кун.***

## ЮКСАК ЭЪТИРОФ ВА ФИДОЙИ МЕҲНАТ ТИМСОЛИ

Шу кунларда барча юртдошларимиз мамлакатимиз мустақиллигининг қутлуғ 20 йиллик санасини муносиб кутиб олишга қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Зеро, мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида озод ва обод Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилаётир. Пировардида ҳар бир юртдошимизнинг қадр-қиммати, ор-номуси ва ғурури юксалиб, уларнинг янгидан-янги зафарлар, ютуқларга эришишида улкан имкониятлар яратилмоқда.

**Сана**

Бундан ўн етти йил муқаддам Президентимиз ташаббуси билан бир қатор давлат мукофотлари таъсис этилгани миллий давлатчилигимиз тарихида улкан воқеа бўлди. Яъни Ўзбекистон Республикаси парламентининг 1994 йил 5-6 май кунлари бўлиб ўтган сессиясида “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони ва олий нишон — “Олтин Юлдуз” медали, “Мустақиллик”, “Дўстлик” орденлари ҳамда “Жасорат” ва “Шуҳрат” медалларини таъсис этиш тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди.

“Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони олий даражадаги мукофот бўлиб, мамлакатимиз фуқароларига давлат ва халқ олдидаги қаҳрамонона хизматлари учун берилади. Айрим ҳолларда бу унвон юртимиз фуқароси бўлмаган шахсларга ҳам берилиши мумкин. “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони билан тақдирланган шахсга “Олтин Юлдуз” медали ва унвон берилганлиги тўғрисидаги ҳужжат тантанали суръатда топширилади.

Ватанимизнинг юксак мукофотларидан яна бири шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гарови ҳисобланган “Мустақиллик” номи билан аталиши бежиз эмас.

Шукрки, эркин ва озод юртда яшаяпмиз. Мамлакатимизнинг истиқлолга эришиши аждодларимизнинг асрий орзу-умидлари рўёби, халқимизнинг улкан тарихий ютуғи бўлди. Бугун тинч ва осойишта хонадонларимизда нуроний отахону онахонларимиз яхши ниятлар билан қўлларини дуога очиб, эзгу тилаклар айтишаяпти. Демак, бундай юртда totувлик, фаровонлик барқарордир.

“Мустақиллик” ордени билан мустақил ҳуқуқий давлат барпо этиш ҳамда уни мустаҳкамлашга, республикамизда тинчлик ва тараққиётни таъминлашга қўшган улкан ҳиссалари учун ҳамюртларимиз, шунингдек, Ўзбекистон фуқароси бўлмаган шахслар тақдирланади.

Қонун ҳужжатларида қайд этилганидек, давлат мукофотлари билан айрим ҳолларда мамлакатимизнинг маъмурий-ҳудудий бирликлари ҳам тақдирланиши мумкин.

(Давоми 2-бетда).

## «ЎЗБЕКИСТОН МУТЛАҚО ҲАҚЛИ РАВИШДА МИНТАҚАДА СУВДАН ОҚИЛОНА ВА АДОЛАТЛИ ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАСИНИ ЎРТАГА ҚЎЙМОҚДА»

***Ўрта Осиё минтақасида сувдан оқилона ва адолатли фойдаланиш масаласи халқаро илмий-академик доиралар ва жамоатчилик ўртасида кенг муҳокама қилинмоқда.***

***Шу нуқтаи назардан қараганда, таниқли француз сиёсатшуноси, “Pantheon-Assas Paris II” университети профессори Жак Барранинг “Ақл-идрокни йўқотмаслик лозим: Ўрта Осиёдаги сув ва гидроэлектроэнергия муаммолари тўғрисида” сарлавҳали қуйидаги мақоласи кенг ўқувчилар оммасида катта қизиқиш уйғотиши табиийдир.***

* * *

Японияда цунами юзага келишига сабаб бўлган мисли кўрилмаган даражадаги кучли зилзила билан боғлиқ даҳшатли табиий офат жаҳоннинг айрим мамлакатлари сиёсий етакчиларига инсон яратган ҳар қандай мўъжиза табиий офат олдида ожиз эканлигини англаб етиш зарурлигини гўё яна бир бор эслатди. Инсон табиатнинг ҳар қандай офатидан устун келишга қодир, деган фикрни мафкура нима қилиб бўлса ҳам илгари сурган замонлар ортда қолди. Баски, ўртада инсон ҳаёти, унинг хавфсизлиги масаласи турар экан, “улкан лойиҳалар” ёки “XX аср материалистик телбалигининг буюк ютуқлари” бундан буён алоҳида эҳтиёткорлик билан кўриб чиқилиши даркор.

Дарҳақиқат, БМТ Бош котиби Пан Ги Мун ҳам эслатиб ўтганидек, жаҳондаги ҳеч бир мамлакат табиатнинг бало ва офатларидан тўлиқ ҳимояланмаган. Пан Ги Мун келтирган рақамларга қараганда, биргина ўтган 2010 йилда табиий офатлар оқибатида дунёда 250 минг киши ҳалок бўлган.

Бу қанчалик қайғули бўлмасин, ана шундай даҳшатли шароитда, Ўрта Осиёда сувдан фойдаланиш ва гидроэлектроэнергетика масалаларига дахлдор муаммолар яна фавқулодда долзарблик касб этмоқда ва алоҳида эътиборни талаб қилмоқда.

Ўзбекистон раҳбарияти Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ экологик, иқтисодий ва демографик ҳалокатларнинг оқибатлари хусусида ўз ташвишини билдирар экан, мутлақо ҳақли равишда минтақанинг бошқа давлатлари олдига Ўрта Осиёда сув ресурсларидан оқилона ва адолатли фойдаланиш масаласини қўймоқда.

Ҳақиқатан ҳам, минтақанинг 60 миллиондан зиёд аҳолиси, асосан, Сирдарё ва Амударё ҳавзаларида жамланган сув билан таъминланишини таъкидлаш лозим.

Аёнки, мазкур дарёларда сув сатҳи пасаядиган бўлса, бу атроф-муҳитга ва инсонлар ҳаётига жуда катта зарар етказади. Шу боис минтақада гидроиншоотлар қуриш ва сувдан қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланишга доир барча масалалар мазкур дарёларнинг трансчегаравий хусусиятга эга эканлигини ҳисобга олган ҳолда ҳал этилиши лозим. Бунда Ўзбекистон сув ресурсларининг катта қисми мамлакатдан ташқарида, Тожикистон ва Қирғизистон ҳудудида шаклланишини унутмаслик муҳим.

Бу муаммо юзасидан БМТ томонидан билдирилаётган ташвиш, халқаро ҳуқуқнинг тегишли нормалари, Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банкининг мазкур масалага амалий ёндашуви томонлар пировардида минтақанинг бирор-бир мамлакатида тўғон ва гидроэлектростанциялар барпо этишга оид лойиҳалар Ўрта Осиёдаги бошқа давлатларнинг ҳаётий зарур манфаатларига зиён етказмаслигини кафолатловчи асосли қонуний қарор қабул қилишига умид уйғотади.

(Давоми 2-бетда).

## «Микрокредитбанк»:

# БЕШ ЙИЛЛИК ДОВОН МАСЪУЛИЯТИ

***Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган катта эътибор туфайли мазкур соҳа иқтисодий тараққиётимизнинг таянч кучига айланди. Ўтган давр мобайнида республикамиз ялпи ички маҳсулотида тадбиркорлик субъектлари ҳиссаси муттасил ортиб, 2010 йили 52,5 фоизни ташкил этгани бунга яққол мисол бўла олади.***



### Асосий мақсад – тадбиркорликни ривожлантириш

Президентимизнинг 2006 йил 5 майдаги “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони асосида нафақат ушбу тармоқда ихтисослаштирилган янги микромолиявий ташкилот шаклланди, балки тадбиркорликни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ишлари ҳар томонлама кенгайди. Банк томонидан ўтган йиллар давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қарийб 595 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилиб, 375 миллиард сўмлик микромолиявий хизматлар кўрсатилгани, 400 мингга яқин иш ўринлари яратилгани шундан далолат беради.

### Фармон берган имкониятлар

Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш билан бирга, банк жамоаси зиммасига ҳам ўз инфратузилмасини кенгайтириб, мижозлар манфаатларига устувор қараш масъулиятини юклади. Бу жараёнда давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 10 ноябрдаги “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони дастуриламал вазифасини ўтади, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Негаки, мазкур ҳужжатга мувофиқ, банкнинг аввалги 5 фоизлик микросармоялари 3 фоизга туширилиб, микролизинг хизматларининг фоизи сезиларли даражада пасайтирилди. Банк устав капитали 72 миллиард сўмга кўпайтирилиб, унинг умумий миқдори 150 миллиард сўмга етказилди. Якунланган йилда эса банк активлари 1,2 баробар ошган ҳолда, унинг таркибидаги бевосита даромад келтирувчи активлар ҳажми йил бошидагига нисбатан 1,8 баробарга ўсди.

### Ҳамкорликнинг ёрқин самаралари

Таъкидлаш жоизки, банк эришаётган муваффақиятларда унинг кўплаб ташкилотлар билан амалий ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, “Микрокредитбанк” бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, “Маҳалла” жамғармаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати сингари кўплаб ташкилотлар билан алоқа ўрнатган бўлиб, бу, ўз навбатида, унинг фаолият доирасини кенгайтириш имконини бермоқда. Пировардида ўтган йили жойлардаги кичик бизнес субъектлари банкнинг 214,4 миллиард сўм миқдоридаги кредит ҳамда 121,4 миллиард сўмдан ортиқ имтиёзли микромолиявий хизматларидан фойдаланди. Бошқача айтганда, банкнинг 2010 йилга мўлжалланган микромолиявий хизматлар кўрсатиш ҳажми аввалги йилдагига нисбатан 1,3 баробарга ошиб, ажратилган кредитлар ҳисобига 120 минг киши иш билан таъминланди.

Айни чоғда ўтган йили банк кредит қўйилмаси 32,5 миллиард сўмга ёки аввалги йилдагига нисбатан 189,3 фоизга ортди. Бунга тадбиркорликни танлаган фуқароларга 14,1 миллиард сўм, оилавий бизнесни ривожлантириш учун 6 миллиард сўм миқдорида микрокредитлар берилгани, умуман, мижозларнинг тенг ярми билан илк бор ҳамкорлик йўлга қўйилгани туфайли эришилди. Ажратилган кредитларнинг 36 фоизи корхоналар, 24 фоизи фермер хўжаликлари, 16 фоизи микрофирмалар, 16 фоизи якка тартибдаги тадбиркорлар, 8 фоизи деҳқон хўжаликлари улушига тўғри келди. Масалан, Қўрғонтепадаги “Универсал люкс” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Собиржон Нодирбеков “Микрокредитбанк”ка мурожаат этиб, Асакадаги автомобиль заводига эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарувчи кичик корхона қуриш учун 22,5 миллион сўм микросармоя олган эди. Айни пайтда бу корхона “Нексия” русумидаги енгил автомобилларга шундай маҳсулотларни етказиб бермоқда.



— Тез орада корхонамиз фаолиятини янада кенгайтириш ниятидамиз, — дейди жамият раиси С. Нодирбеков. — Бунинг учун доимий ҳамкоримиз “Микрокредитбанк”дан яна маблағ олишни мўлжаллаб турибмиз. Бу ниятимиз амалга ошса, қўшимча ўн иккита иш ўрни яратилади.




### Микролизинглар – замонавий техникага

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида “Нисбатан барқарор ва бозор конъюктураси ўзгаришларига тез мослашувчан, янги иш ўринлари яратиш имконини берадиган кичик бизнесни жадал ривожлантириш масаласини ҳал этиш бизнинг шароитимизда ҳамон муҳим аҳамиятга молик масала бўлиб қолмоқда”, деб алоҳида таъкидлаган эди. Шундан келиб чиқиб, “Микрокредитбанк” жамоаси тадбиркорлик субъектларига турли ускуналар харид қилишлари учун яқиндан кўмак бериб келмоқда. 2010 йил давомида банк томонидан 37 миллиард сўм миқдоридаги маблағ айни шу мақсадларга берилган бўлса, жорий йил бошида микролизинг хизматлари портфели 47,5 миллиард сўмни ташкил этди. Унинг 35 фоизи хизмат кўрсатиш, 20 фоизи қишлоқ хўжалиги, 24 фоизи қурилиш, 16 фоизи озиқ-овқат ва 5 фоизи енгил саноат соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилди.

Термиз шаҳридаги “Ойша” хусусий клиникаси — банкнинг микролизинг хизматларидан фойдаланган мижозлардан бири.

— Шифохонамиз учун ташхис қўйиш ускунасини харид қилишимизда банк филиали томонидан 98 миллион сўм миқдорида маблағ ажратилгани айни муддао бўлди, — дейди иш юритувчи Меҳрихон Шайманова. — Чунки эндиликда мазкур ускуна ёрдамида воҳамиз аҳолисидан ташқари, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларидан келган беморлар касалликларини ҳам аниқлаб, уларнинг шифо топишларига кўмаклашаяпмиз.

Шуниси эътиборлики, банк билан ҳамкорлик қилаётган бундай мижозларни республикамизнинг барча ҳудудларида учратиш мумкин. Улар қайси йўналишда фаолият юритмасин, аҳолининг оғирини енгил, узоғини яқин қилиш билан машғуллиги эътиборга лойиқдир.

Жорий йилда ҳам “Микрокредитбанк” бу борадаги ишларни изчил давом эттирмоқда. Жумладан, ўтган уч ой давомида саноат соҳасидаги 69 та тадбиркорлик субъектига 4,5 миллиард сўм, хизмат кўрсатиш ва сервис билан шуғулланаётган 72 та тадбиркорга 4,4 миллиард сўм ҳамда қишлоқ хўжалигида банд бўлган 28 та ишбилармонга 504 миллион сўм миқдорида микролизинг хизматлари кўрсатилгани натижасида икки ярим минг нафардан ортиқ киши ишга жалб қилинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, банкнинг кичик бизнес вакилларини ускуналар билан таъминлашида анъанавий тарзда ўтказилаётган “Uzbekistan Agrominitech Expo” кўргазма-савдосининг аҳамияти катта бўлмоқда. Сабаби, мазкур тадбир ишбилармонларимизга фақат замонавий технологиялар билан яқиндан танишиш шароитини яратиб қолмасдан, балки уларни харид қилиш мақсадида шу ернинг ўзида шартнома тузиш имконини ҳам бермоқда.

Ўтган йилги тадбирда “Микрокредитбанк” томонидан 54 та мижознинг 1,3 миллиард сўмлик лойиҳаси молиялаштирилган эди. Ўзбекистон Лизинг берувчилар уюшмасининг маълумотига кўра, бу молия муассасасининг лизинг бозорида биринчи ўринни эгаллагани шундай саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Бундан ташқари, яқинда пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Банклар ассоциацияси ва бошқа тегишли ташкилотлар томонидан ташкил этилган “BankExpo — 2011” миллий кўргазмасида ҳам “Микрокредитбанк” “Энг кўп ташриф буюрилган стенд” ҳамда “Таълим муассасалари битирувчиларини қўллаб-қувватловчи энг яхши банк” сифатида эътироф этилди. Бу ҳам унинг бугунги фаолиятига берилган юксак баҳодир.

### Ўзаро ишонч – муваффақият омили

Банк ва мижоз ўртасидаги ҳамкорликнинг ривожи, кўп жиҳатдан, ўзаро ишончга боғлиқ. Шу боис “Микрокредитбанк” кафолатли ва даромадли хизматлари эвазига жойларда ўрнини тобора мустаҳкамлаб бораётир. Мисол учун, тадбиркорликка хотин-қизларни кенг жалб қилиш масаласини олиб кўрайлик. Бултур банк ташаббуси билан узоқ овул ва қишлоқларда якка тартибда тадбиркорликни бошлаган қарийб тўрт ярим минг нафар аёл учун семинар машғулотлари ташкил этилиб, уларга 26 миллиард 70 миллион сўм миқдорида кредитлар берилди. Агар молиявий муассасанинг беш йиллик фаолиятига назар ташланса, бу кўрсаткич 70 миллиард сўмдан зиёдроқни ташкил этгани аёнлашади. Жорий йилда эса хотин-қизларга 30,4 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилиши режалаштирилмоқда.

Шу билан бирга, “Микрокредитбанк” республика Хотин-қизлар қўмитаси, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аёллар ривожланиш жамғармаси (Юнифем) билан ҳамкорликда “Ўзбекистон аёлларининг иқтисодий ҳуқуқларини ҳаётга кенг татбиқ этиш” лойиҳасини амалга оширишга киришди. Бу лойиҳа орқали келгусида кам таъминланган оилалардаги аёлларга гуруҳ кафиллиги асосида бошланғич сармоя микрокредитлари ажратиш кўзда тутилган.

Банк, шунингдек, бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда анъанавий “Қўли гулдир ўзбек аёлин...” кўргазма-савдосини ташкил этиб келаётгани ҳам диққатга сазовордир. Негаки, айни шу тадбир банк микросармояларидан фойдаланиб, республикамизнинг чекка ҳудудларида тадбиркорлик билан шуғулланаётган аёлларни рағбатлантириб, уларнинг маҳсулотларини тарғиб қилишга кенг йўл очмоқда.

“Микрокредитбанк”нинг “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда “Ёш тадбиркор — юртга мададкор” кўрик-танлови ўтказилаётгани, “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази билан ҳамкорликда “Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш” дастури амалга оширилаётгани ҳам ўз мевасини бермоқда. Бу борадаги ишларни жадаллаштиришда, айниқса, Президентимизнинг 2010 йил 28 июлдаги “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони дастуриламал бўлмоқда. Чунончи, мазкур Фармон ижросини таъминлаш учун “Микрокредитбанк” вилоят хокимликлари билан биргаликда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини эгаллаган касблари бўйича тадбиркорликка йўналтиришга ҳаракат қилаётир. Ўтган йили шундай ёш йигит-қизларга 3,6 миллиард сўм миқдоридаги маблағ имтиёзли бошланғич сармоя сифатида берилгани бунинг тасдиғидир.

Шу ўринда ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун жорий йилда салкам 10 минг оилага 21,7 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилиб, шундан 11,9 миллиард сўми тадбиркорлик учун берилганини ҳам алоҳида қайд этиш мақсадга мувофиқдир.

### Маҳорат ва тажриба уйғунлиги эътирофи

Ўтган давр мобайнида, табиийки, банк жамоаси ўз маҳоратини ошириб, мижозлар билан ишлаш тажрибасига эга бўлди. Бугунги кунда эса ана шу маҳорат ва тажриба банк фаолиятини янада кенгайтирмоқда. Масалан, дастлабки йилларда унинг маблағлари, асосан, эҳтиёжманд оилалар турмушини яхшилаш, уларда муқим даромад манбаини яратиш учун берилган бўлса, кейинчалик ишлаб чиқариш корхоналарини янада ривожлантиришга эътибор қаратилди. Маблағларнинг бериш муддатлари ҳам мижоз манфаатидан келиб чиққан ҳолда белгиланиб, қулай шартларда таклиф этилди. Айниқса, кейинги йилларда мижозларга жисмоний шахс ёки гуруҳ кафиллиги асосида микросармоялар бериш жорий қилингани ўзини тўлиқ оқлади.

Эндиликда банкнинг бу тажрибаси халқаро миқёсда ҳам муносиб баҳоланаётгани қувонарлидир. Хусусан, 2010 йилда “Микрокредитбанк”ка Италиядаги “MikroFinanza-Rating” компанияси томонидан “SBB” халқаро меъёрларига мувофиқ, “Амалда ўз мақсад ва вазифаларини рўёбга чиқариш ва зиммасига юклатилган ижтимоий вазифаларни самарали бажариш борасида етарли қобилиятга эга, ўз ижтимоий мақсадларига эришиш эҳтимоллиги юқори бўлган банк” рейтинг баҳоси берилди. Қолаверса, Бутунжаҳон микромолиявий ташкилотларининг ахборот алмашинуви — “MIX-MARKET” агентлиги ҳисоботига кўра, у Марказий Осиё ва Европадаги микрокредитлар бериш йўналишида йириклиги бўйича жаҳоннинг энг яхши 100 та банки сафига киритилиб, 5 олмосли микромолиявий хизматлар кўрсатувчи банк сифатида эътироф этилди. Бундан ташқари, Халқаро “Fitch Ratings” агентлиги томонидан “Микрокредитбанк”нинг узоқ ва қисқа муддатли кредитга лаёқатлилиги “B” “барқарор” даражасига кўтарилди, Лондон шаҳрида дунёнинг 140 дан зиёд етакчи банклари вакиллари иштирокида бўлиб ўтган “Bank of The Year Awards — 2010” тақдимот маросимида “Financial Times” компанияси уни “2010 йилда Ўзбекистоннинг энг яхши банки” номинацияси бўйича ғолиб, деб эълон қилди.

Яқинда эса “Микрокредитбанк” Осиё банкирлари уюшмаси аъзолигига қабул қилингани ҳам унинг нафақат иқтисодиётимизда, балки дунё миқёсида ҳам ўз ўрнини мустаҳкамлаб бораётганидан гувоҳлик беради, албатта.

Мухтасар қилиб айтганда,




“Микрокредитбанк” ўзининг беш йиллик фаолияти давомида тадбиркорлик субъектларини молиявий жиҳатдан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида жамоа аҳли бу борадаги ишларни янги поғонага кўтариб, бутун эътиборини юртдошларимизни тадбиркорлик, бунёдкорлик ва ишбилармонликка жалб этишга қаратаверади.

**Банк матбуот хизмати.** t

# ҲАР БИР ФАРЗАНД — МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДА

**Пойтахтимизда имконияти чекланган қизлар ўртасида халқаро футбол турнири бошланди.**

Мусобақа Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, Ўзбекистон футбол федерацияси, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси каби қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилди. Тадбирдан кўзланган асосий мақсад имконияти чекланган қизларнинг спортга бўлган меҳри ва қизиқишини уйғотиш, шакллантириш ҳамда уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашдир.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида имконияти чекланган ёшларнинг билим олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, ўз қизиқиши ва интилишига кўра касб-ҳунар эгаллаши учун зарур шарт-шароит яратишга доимий эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда уларнинг спорт билан шуғулланиши учун ҳам барча имкониятлар яратилаяпти.

Жисмоний имконияти чекланган болалар ўртасида кўплаб спорт турлари бўйича мунтазам равишда мусобақалар ва таниқли спортчилар иштирокидаги маҳорат машғулотлари ташкил этилаётир. Бу эса уларнинг спортга бўлган меҳрини уйғотишга, иқтидор ва салоҳиятини намоён этишига, иродасини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

— Мамлакатингизда имконияти чекланган инсонларга кўрсатилаётган меҳр-мурувват таҳсинга лойиқ, — дейди Европа ва Евроосиёда махсус олимпиада дастурини ривожлантириш бўйича директор Кшиштоф Круковски (Польша). — Бу ногиронларнинг ҳаётга муҳаббатини, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлайди. Улар ўзини жамиятнинг тенг аъзоси сифатида ҳис қилишига ёрдам беради.

Халқаро турнирда мамлакатимиз билан бирга, Тожикистон ва Қозоғистондаги ихтисослаштирилган мактаблар ҳамда Мурувват уйларининг 8-15 ёшгача бўлган тарбияланувчиларидан иборат ўн бир жамоа иштирок этмоқда.

Мусобақанинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Акбарова иштирок этди.

**Байрам АЙТМУРОДОВ, ЎзА мухбири.**

# ПАРВОЗ ДАВОМ ЭТАДИ

***Қалдирғочлар эзгу хабар элчилари ҳисобланади.***
***Футбол бўйича мамлакатимиз чемпиони — “Бунёдкор” клуби бежизга бу беозор қушчани ўзлари учун тимсол қилиб танламаганликларини исботладилар. Гап шундаки, Осиё чемпионлар лигасида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган пойтахт жамоаси “С” гуруҳидаги бешинчи тур учрашувини ўз майдонида БААнинг “Ал-Ваҳда” клубига қарши ўтказиб, 3:2 ҳисобидаги ҳақли ғалабани қўлга киритди. Шу орқали “қалдирғочлар” плей-офф босқичига муддатидан олдин чиқишга муваффақ бўлдилар.***

**Футбол**

Ўйин муросасиз кечганини қайд этиш лозим. Учрашувнинг иккинчи дақиқасидаёқ меҳмонлар вакили Исмоил Матар Игнатий Нестеров қўриқлаётган дарвозани ишғол қилди. Аммо “Бунёдкор” аъзолари бундан асло кайфиятларини туширишмади, пировардида биринчи бўлим якунига келиб, сербиялик легионер Милош Трифуновичнинг дубли эвазига олдинга чиқиб олдилар. Иккинчи қирқ беш дақиқалик яна “эски сценарий” бўйича бошланди. Яъни томошабинлар ҳали ўз ўринларига яхшилаб жойлашиб улгурмасларидан меҳмонлар пенальти ишлаб олишди. “Ал-Ваҳда” футболчиси Хуго Энрике бу имкониятдан унумли фойдаланди ва ҳисобни тенглаштирди. Шундан сўнг “Бунёдкор” мураббийи вазиятни ўзгартириш мақсадида янги кучларни майдонга туширди. Бундай “рокировка” ўз мевасини берди. Учрашув тугашига беш дақиқа қолганда Анвар Солиев кўпчилик ўйинлардаги каби “сеҳрли таёқча” вазифасини бажарди. Эътиборли томони, у захирадан туширилган шериги Ислом Иномов томонидан ҳаволатиб узатиб берилган тўп йўналишини боши билан ўзгартириб, рақиб дарвозабонини доғда қолдирди.

Шундай қилиб, ғалабага бўлган қатъий ишонч тўғри танланган тактика билан уйғунлашгани якунда ўз самарасини кўрсатди. Ушбу муваффақият кўмагида Миржалол Қосимов шогирдлари ўз ҳисобидаги очколари сонини 8 тага етказиб олишди. Энди “Бунёдкор” 10 май куни Саудия Арабистонида “Ал-Иттиҳод” жамоаси меҳмони бўлади. Ушбу беллашув гуруҳда ким пешқадамликка муносиб эканига ойдинлик киритади.

Мазкур гуруҳдаги иккинчи ўйинда Эроннинг “Пирузи”си Теҳронда “Ал-Иттиҳод” клуби устидан 3:2 ҳисобида ғалаба қозониб, очколарини 5 тага етказди. Шунга қарамай, эронликларнинг навбатдаги босқичга чиқа олмасликлари аниқ бўлиб турибди. Сабаби, улар кейинги баҳсда ғалаба қозониб, очколар бўйича вакилларимиз билан тенглашишнинг уддасидан чиқсалар ҳам, ўзаро учрашувлар бўйича ортда қолиб кетишган. Аниқроғи, “Бунёдкор” эронликлар билан бўлиб ўтган баҳсларда ижобий (3:1 ва 0:0) натижаларга эришиб, бу борадаги устунликни сақлаб қолган. Демак, “қалдирғочлар” парвози давом этади.



**М. САИДЖОНОВ.**

# «Юртим, сенга жоним фидо»

***Бухоро вилоятидаги бир қатор ўқув муассасаларида “Юртим, сенга жоним фидо” деб номланган бадиий-ижодий учрашувлар бўлиб ўтди.***

**Тадбир**

Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган шундай тадбирлардан бири Когон шаҳридаги 2-сон болалар мусиқа ва санъат мактабида ҳам ташкил этилди. Унда Глиэр ҳамда Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган лицейларининг халқаро кўрик-танловларда ғолиб чиққан ўқувчилари ҳамда “Томоша” болалар гуруҳи аъзолари ижросидаги мустақиллик, она-Ватан, бахтли ёшликни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар янгради. Когонлик иқтидорли болаларнинг чиқишлари ҳам тўпланганларда чуқур таассурот қолдирди. Учрашув дўстлик, ёшлик байрамига айланиб кетди.

**Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

***Чортоқ туманидаги тиббиёт коллежида “Эъзоз-мурувват” ўқув-ишлаб чиқариш ҳамда даволаш диагностика маркази иш бошлади.***

# Ҳам амалиёт, ҳам тадбиркорлик

**Таълим**

Клиник диагностика, даволаш, физиотерапия, стоматология, рентген ва косметология каби хизматлар кўрсатишга ихтисослаштирилган мазкур марказда айни пайтда ўндан ортиқ замонавий тиббий жиҳоз ҳамда ускуналар ёрдамида беморларга ташхис қўйилиб, муолажа ишлари олиб борилаяпти.

Эътиборли жиҳати, марказ фаолият бошлагач, коллежда қўшимча 40 та иш ўрни вужудга келди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

www.ogu2011.com
www.oilgas.uz
2011 йил 17-19 май
Ўзбекистон, Тошкент, «Ўзэкспомарказ»
OGU
15-Юбилей халқаро кўргазма ва конференция
НЕФТЬ ва ГАЗ
ОРГАНИЗАТОР ITE ГРУППА КОМПАНИЙ
ITE Uzbekistan
Ўзбекистон, 100000, Тошкент ш., Мустақиллик шоҳкўчаси, 59-«А» уй.
Тел.: (+998 71) 113-01-80, факс: (+998 71) 237-22-72.
E-mail: post@ite-uzbekistan.uz, web: www.ite-uzbekistan.uz
Guvohnoma № 3583
498R/30

Setko System Integration. Security
GeoVision
Умный дом Магазин-салон
IP ВИДЕОКУЗАТУВ ВА КИРИШНИ БОШҚАРИШ
GEOVISION
кучли таҳлил қилиш воситалари
- **Автомобилларнинг давлат рақамларини аниқлаш**, кейинчалик автоматлаштириш ва хавфсизлик тизимига киритиш учун (шлагбаумни кўтариш, автомобилларнинг тўхтаб туриш вақтини ҳисобга олиш, автомобиль ўтишини қайд этиш ва ҳоказо).
- **Марказлашган мониторинг станциясини ташкил этиш**, 36 та видео-девор функцияли мониторга эга бўлган «Хавфсиз шаҳар» дастури, корпоратив хавфсизлик тизими, ҳаракатни бошқариш назорат тизими каби тизимларга боғланган чексиз архив имконияти ва ҳ.к.
- **Ҳаракатланаётган объектни пайқаш ва уни кузатиш**.
- **Олинган тасвир сифатини яхшилаш** (тутун, туман, ёмғир, қор, чангда туширилган).
- **Кассир иш ўрнининг назорати**, POS-терминали, кузатув ва товуш бўйича маълумотларни мужассамлаштирган ҳолда, ёзувни кейинчалик таҳлил қилиш.
Буюртма бўйича.
Тел.: (8-371) 238-99-97. www.geovision.uz
614R/1578

ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР
«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК
ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)
СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 400 000 сўмдан бошлаб.
ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 550 000 сўмдан бошлаб.
Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20х20, 25х25, 30х30, 40х40, 50х50, 60х60, 80х80, 100х100.
Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30х20, 40х25, 50х25, 30х60,40х60, 40х80, 50х100, 60х80, 60х100, 80х120.
Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 500 000 сўмдан бошлаб.
ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача;
Бундан ташқари:
КАРБИД — Қозоғистонда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 тн. учун 3 950 000 сўм.
МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.
Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.
227R/227

РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТОР
ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАСИДАН ТАКЛИФ ҚИЛАДИ
«КЧМ» ЧЎЯНДАН ТАЙЁРЛАНГАН ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ
Табиий газ, қуруқ ва суюқ ёнилғида ишлайдиган, Россия ҳамда Европа стандартлари талабига мос. ФИК 79% дан 90% гача.
Шунингдек:
Маҳсулот сертификатланган. Тўлов шакли — турлича.
КАФЕЛЬ (девор ва пол учун)
САНТЕХНИКА (катта ҳажмда унитаз ва қўлювгичлар)
ЧЎЯН ВАННА ВА ДУШ ПОДДОНЛАРИ
Тел./факс: 267-35-73.
Савдо шохобчаси — Уста Ширин к.125, қурилиш бозори ичида №127.
zakamsk-group@mail.ru
52R/1134

Россия линолеуми
Тел.: 234-48-11.
Факс: 234-49-58.
МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.
111R/56

FIAT INDUSTRIAL
NEW HOLLAND AGRICULTURE
NEW HOLLAND CONSTRUCTION
МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН




UzCaseService Tel.: 120-60-97, 120-74-50.
20R/1174

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

«FITO SEMILASS» компаниясининг Ўзбекистондаги вакили
Испаниядан келтирилган маккажўхори ва чим уруғларини биринчи экин учун таклиф қилади.
УРУҒЛАР ДАВЛАТ РЕЕСТРИГА КИРИТИЛГАН ВА СЕРТИФИКАТЛАНГАН.
Маълумот учун телефонлар:
(+99897) 100-83-13, (+99898) 313-83-13, (+99893) 382-56-57.
(+99871) 257-44-01, (+99871) 257-44-03, (+99871) 257-58-61(факс).
575R/503

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 503. 68231 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-6788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Қутбиддинов.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.40 Топширилди — 00.20 1 2 3 4 5